

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ҚОДИРОВА МОҲИДИЛХОН РУСТАМОВНА

***G.HIRSUTUM* L. ТУРИНИНГ ТУРЛИ ГЕНОТИПЛИ ШАКЛЛАРИ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қодирова Моҳидилхон Рустамовна

G.hirsutum L. турининг турли генотибли шакллари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қонуниятлари.....3

Кодирова Моҳидилхон Рустамовна

Закономерности наследования и изменчивости морфо-хозяйственных признаков у гибридов форм различного происхождения вида *G.hirsutum* L.....21

Kodirova Mokhidilkhon Rustamovna

Inheritance and variability of morphological features in hybrid forms with different geneology of the species *G.hirsutum* L.39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ҚОДИРОВА МОҲИДИЛХОН РУСТАМОВНА

***G.HIRSUTUM* L. ТУРИНИНГ ТУРЛИ ГЕНОТИПЛИ ШАКЛЛАРИ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фаласафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳоров Иззатулла Тилавович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Паридун Шукурович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Аманов Бахтияр Хушбакович

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-80, факс (+99871) 264-23-90;

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс:(+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д.профессор

С.К.Бабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

М.Ф.Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ғўза майдонларининг 95% қисмига экиладиган *G.hirsutum L.* ғўза турининг тола сифат кўрсаткичларини яхшилаш пахтачилик билан шуғулланувчи давлатлар ғўза селекцияси дастурларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, серҳосил, тола чиқими юқори, касаллик, зараркунанда ва муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли ғўза навларини яратиш, такомиллаштириш ва навдорлигини оширишда миқдорий белгиларнинг популяция генетикаси, танлашни генетик назарияси тўғрисидаги ишланмалардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Жаҳонда сўнги йилларда ғўза навлари тез суръатлар билан ривожланаётган саноат талабларига тўлиқ жавоб берадиган навлар яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ғўзанинг генотипик жиҳатдан узоқ бўлган туричи дурагайлаш усулини қўллаб олинган дурагайлар популяциясида ғўзанинг хўжалик аҳамиятига эга белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, гетерозиснинг намоён бўлиши ҳамда унинг сақланиб қолиши қонуниятлари аниқлаш, комплекс белгилари бўйича андоза навларга нисбатан афзалликларга эга бўлган, ирсий имкониятлари юқори бўлган самарадор навларни мунтазам яратишни тақозо этади.

Республикамизда сўнги йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштириш борасида муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, ҳозирги бозор талабларига мос келадиган қатор серҳосил ва тезпишар ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ғўзанинг дурагай популяцияларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлигини аниқлаш ва уларнинг генотипини бойитишда *G hirsutum L.* турининг генотипик жиҳатдан узоқ бўлган шакллари дурагайлаш, ҳар хил генеологияли ғўза шакллари чатиштириш, генотипи бойитилган дурагай ўсимликлар ажратиб олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабр куни «2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 1037-сонли қарори, Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 17 июн ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот ишларидан олинган натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» фундаментал устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Н.И.Вавилов, З.Ю. Максудов ва В.А. Автономовлар кўп йиллик изланишлари натижасида, янги навларнинг яратилишида туричи географик узоқ шаклларни дурагайлаш усулининг истиқболлари бўйича муҳим маълумотлар олганлар.

Ўрта толали ғўза навлари таркибини ўрганиб, навлар ва турларни дурагайлаб, нурлантириш усуллари кўллаб С.М.Мираҳмедов қатор Тошкент, О.Ж. Жалилов - Юлдуз, Меҳнат, Вад.А. Автономов - С-6524, Наманган-77, С.С.Содиқов – АН-Баяут-2, Болгарияда М.Божинов томонидан–тезпишар Болгария (Чирпан, 146 ва бошқ.) ва бир қатор бошқа олимлар навларни яратишган.

Ғўза генетикаси ва селекциясининг назарий ва амалий томонларни таҳлил қилишда ушбу усулдан (С.С. Содиқов, 1972; В.П. Сеноедов, 1972; Д.В. Тер-Аванесян, 1973; Ю.Ф. Узаков, 1974; Ш.И. Ибрагимов (1993); О.Ж. Жалилов (1976); А. Эгамбердиев (2005); В.А. Автономов (2010, 2012); И.Т. Қахҳоров, 1995, 2003, 2009; К.Р.Dhamayanthi ва К.Subashree, 2016) кенг фойдаланишган. Ўтказилган изланишлар асосида улар томонидан кўпгина бошланғич шаклларнинг донорлик хусусиятлари, яъни генотипининг сифатий таркибини бойитилиши ва белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаси ўрганилган.

Аммо, турли генотипли шаклларни туричи дурагайлаш усулини кўллаб олинган дурагайлар популяциясида ғўзанинг хўжалик аҳамиятига эга белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қонуниятлари етарлича ўрганилмаган.

Генетик олимлар томонидан *G hirsutum* L. турига мансуб янги генотиплар ажратиб олинган бўлсада (Т.И. Муҳиддинов, 2007; М.Ф. Абзалов 2008; И.Т. Қахҳоров, 2013) уларни биринчи авлод дурагай популяциясида янги белгининг намоён бўлиши, яъни наслдан-наслга ўтиш даражаси ва уларни кейинги авлодларда сақланиш қонуниятлари етарлича очиб берилмаганлиги сабабли, кенгроқ изланишлар олиб боришни талаб этади.

Ҳозирги вақтда, турли генотипли шакллар дурагайлари асосида ғўза селекциясининг генетик кўрсаткичларини ўрганиш доирасида муайян муваффақиятларга эришилган (В.А. Автономов, 2006, 2010; И.Т. Қахҳоров, А.А. Гизау, О.Ж. Жалилов, 1995; И.Т. Қахҳоров, С. Одилов 2003; И.Т. Қахҳоров, 1990).

Шуларни ҳисобга олганда, турли генотипли ғўза шаклларини чатиштириш ва уларнинг дурагайлари ўрганиш, морфо-хўжалик

белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлиги даражасини аниқлашда ва генотиби бойитилган дурагай ўсимликлар ажратиб олишда, яъни ғўзанинг янги серхосил, тезпишар, касалликларга ва ноқулай омилларга чидамли, юқори сифатли толали ғўза навларини бошланғич ашёсини олишга асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-Т027 «Ғўза ва бўғдойда қимматли хўжалик белгиларининг ҳамда чидамлилиқнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш» фундаментал лойиҳаси (2012-2016), ФА-И5-Т004 «Ғўзанинг истиқболли Келажак навини наводор уруғлик чигитини етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2015-2016), ФА-А8-Т018 «Ғўзанинг янги нав ва линияларининг уруғчилиги, уруғшунослиги ва уларни ишлаб-чиқаришга жорий этиш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *G.hirsutum* L. нинг турлича генеологияли шакллари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги асосида генотипларни бойитиш, Л-500 линиясининг популяцион таркибини аниқлаш ва нав даражасига етказишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

келиб чиқиши турли генотипли ўрта толали ғўза навларидан дурагайлаш учун кескин фарқланадиган белгиларга эга бўлган шаклларни танлаш;

танлаб олинган ота-она шаклларни тўлиқ диаллел дурагайлаш, дурагайлар олиш ва дурагай чигитлар кўрсаткичларини ўрганиш;

бошланғич манбаларнинг (ота-она) морфо-хўжалик белгиларини ўрганиш учун фенологик кузатишлар олиб бориш;

дурагайлар уруғлик чигитини ўрганиш асосида ота-она шаклларининг чатишувчанлик даражасини аниқлаш;

F₁ ўсимликлари морфо-хўжалик белгилари ирсийланишини ўрганиш;

F₂ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини аниқлаш;

F₃ популяцияси ўсимликларини морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини аниқлаш ва генетика-селекцион мақсадларда фойдаланиш учун ажратиб олиш;

Л-500 линиясининг популяцион таркибини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг *G.hirsutum* L. турининг ўрта толали Наманган-77, 75007-11, Кўпайсин, Келажак, ЎзФА-705 навлари, Л-500 линияси ва уларнинг диаллел чатиштириб олинган F₁, F₂, F₃, оилалар, янги линиялар ҳамда Л-500 линияси (ҳозирда ЎзФА-713 нави) қўлланилган.

Тадқиқот предмети ғўзани *G. hirsutum* L. турининг турли генотипли шаклларини ўзаро чатиштириб генетик жиҳатдан ноёб морфо-хўжалик белгиларини ўзида мужассам қилган ўсимликлар, оилалар ва линиялар олиш, популяцион таркибини аниқлаш, нав даражасида шакллантириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турли генотипли шаклларни ўзаро дурагайлаш ва қиёсий морфология услублар, фенологик кузатувлар ҳамда генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G.hirsutum* L. турининг турлича генеологияли Келажак, Наманган-77, Кўпайсин, ЎзФА-705, ЎзФА-713 (Л-500) ва 75007-11 навларининг чатишувчанлиги ҳамда уларнинг дурагайлари асосида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиш даражаси аниқланган;

F₂ ўсимликлар популяциясида морфо-хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассам қилган қимматли рекомбинантларнинг генотипик ва селекцион имкониятлари очиқ берилган ва қимматли шакллар ажратиқ олинган;

F₃ популяциясидан морфо-хўжалик белгилари бўйича ажратиқ олинган оилаларнинг генотипик хусусиятлари, селекцион қиймати ва имкониятлари очиқ берилган;

ажратиқ олинган оилаларнинг морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича шаклланиш даражаси ҳамда оилалардаги популяцияларнинг генотипик хусусиятлари аниқланган ва янги линиялар олинган;

ғўзанинг янги ЎзФА-713 навининг популяцион таркиби аниқланиб, нав даражасига етганлиги, яъни морфо-хўжалик белгилари бўйича Давлат андозалари даражасига мослиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

F₃ популяциясидан танлаб олинган хўжалик аҳамиятига эга белгилари юқори кўрсаткичли ўсимликлар асосида амалий селекция жараёнида бошланғич материал сифатида фойдаланиш учун 11 та янги линия ажратиқ олинган;

янги линияларнинг уруғлик чигити селекция жараёнларида фойдаланиш учун яққа танлов ва оилалар сифатида тайёрланган, уларнинг популяцион таркиби аниқланиб, нав даражасига етказилган ҳосилдор ва юқори сифатли толага эга бўлган, нисбатан йирик кўсақли Л-500 линияси нав даражасига етказилган ва ЎзФА-713 нави сифатида Давлат рўйхатида киритилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларда қўлланилган усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг замонавий генетик-статистик таҳлили, янги линиялар яратилганлиги ва янги ЎзФА-713 ғўза навини ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.hirsutum* L. турининг турли генотипли шаклларни чатиштириб олинган дурагайларнинг морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик жараёнларини ўрганиб олинган маълумотлар, хўжалик аҳамиятига эга белгиларнинг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассам қилган қимматли рекомбинантлар, оилалар, линияларнинг

генотипик ва селекцион имконияти ва қийматини генетик таҳлиллар асосида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *G.hirsutum* L. турининг турли генотипли шакллари чатиштириб олинган дурагайлари асосида генотипи бойитилган ўсимликлар олинганлиги, улар асосида тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори янги линияларнинг бошланғич ашёси оилаларнинг ажратиб олинганлиги ва ЎзФА-713 ғўза навининг популяцияси таркибини Давлат андозалари даражасига етказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *G.hirsutum* L. турининг турли генотипли шакллари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзанинг *G.hirsutum* L. турининг турли генотипли шакллари чатиштириб олинган янги линияларининг уруғлик материаллари донор сифатида «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 2019 йил 11 апрелдаги 4/1255-1136 сонли маълумотномаси). Натижада ушбу ноёб шакллар ғўзанинг дунёвий генофондини бойитиш ҳамда коллекцион намуналар бўйича электрон базасини шакллантириш имконини берган;

андоза навларга нисбатан ҳосилдорлиги, тупроқ шўрланиши ва сув танқислигига чидамлилиги, толасининг сифатли бўлган ғўзанинг ЎзФА-713 нави Жиззах вилояти Зарбдор тумани «Шаббода шамоли» дастлабки элита уруғ кўпайтириш хўжалигида жорий этилган (ЎзР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 08.08.2019 йил 02/020-1675 сон маълумотномаси). Натижада ЎзФА-713 навининг андоза навларга нисбатан юқори ҳосилдорлиги, толаси сифати ва суғориш суви тежамкорлиги ҳисобига ҳар бир гектар майдондан қўшимча иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамда рентабеллик даражаси 17-23 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*G. hirsutum* L. турининг турли генотипли шакллари дурагайлари ва ғўза навларининг популяцион таркибини шаклланиши» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан хорижда ва республикада олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, *Gossypium* L. турининг турлича генеологияли шакллари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва генотипларни бойитилиши хусусиятларини ўрганиш, генотипи бойитилган қимматли хўжалик белгиларига эга биотиплар ажратиб олиш ва навларни популяцион таркибини таҳлил қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот шароитлари, манбалари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида, олиб борилган тадқиқотларнинг манъбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот олиб бориш услублари ва шароитлари баён қилинган. «Тадқиқот манбалари» деб номланган бўлимида дурагайлашда қўлланилган ғўза навларининг келиб чиқиши ва морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича тавсифи келтирилган.

G. hirsutum L. турига мансуб Наманган-77, 75007-11, Кўпайсин, ЎзФА-713 (Л-500), Келажак, ЎзФА-705 ғўза навлари ва уларни диаллел услубда дурагайлаб олинган F_1 , F_2 , F_3 ўсимликларидан фойдаланилган. Илмий изланишлар ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти Занги-ота туманида жойлашган минтақавий экспериментал базасининг тажриба участкасида олиб борилган.

Тажриба олиб бориш учун ота-она шакллари 90x20x1 схемасида, F_1 уруғлик чигити 5 уяли, F_2 ва F_3 уруғлик чигити 25 уяли қаторларда, рендомизация қоидаларига мувофиқ равишда $P_1P_2-F_1-P_1P_2$ услубида экилган ва ўсиб ривожланиш даврида морфо-хўжалик белгилар бўйича фенологик ва дала кузатув ишлари олиб борилган.

Дурагайлаш ишлари умумий қабул қилинган услуб асосида олиб борилган. Ота-она шакллари ва F_1 , F_2 дурагай ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларига тавсиф берилган.

Диссертациянинг «Ўза навларининг морфо-хўжалик белгилари, чатишувчанлиги, дурагай кўсақлар ва F_1 ўсимликларининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини ирсийланиши таҳлили» деб номланган учинчи бобида олинган натижалар таҳлили ва уларнинг муҳокамаси келтирилган. Бу бобда ғўзанинг ҳар хил генотипли

шакллариинг морфо-хўжалик белгилари, чатишувчанлиги ва дурагай чигитлар кўрсаткичлари таҳлили ҳамда F₁ ўсимликларининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини ирсийланиш даражаси таҳлил қилинган.

Ғўзанинг Келажак, Наманган-77, Кўпайсин, ЎзФА-705, ЎзФА-713 ва 75007-11 навлари ўсимликларининг морфо-хўжалик белгиларини ўрганиш учун фенологик ва дала кузатув ишлари олиб борилган. Олинган маълумотлар дурагайлашда фойдаланилган ғўза навларини бир-биридан нафақат келиб чиқиши, балки морфо-хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари бўйича ҳам фарқ қилишини кўрсатган.

Дурагайлаш учун танланган шаклларнинг чатишувчанлик даражаси бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланган. Дурагайларнинг бир дона кўсақдаги пахтаси вазни ва тола узунлиги ота-она шаклларида паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган, сабаби ота-она жинсий хужайраларининг бир-бири билан юқори, ўрта ва паст даражада чатиша олишига боғлиқ эканлиги кузатилган.

1-жадвал

F₁ ўсимликларида бош пояси баландлигининг (см) ирсийланиш даражаси

♀ \ ♂	Келажак	Наманган-77	Кўпайсин	ЎзФА-705	ЎзФА-713	75007-11
Келажак	97,0±6,1	82,5±5,4	111,1±2,3	94±2,4	93,5±7,0	97,7±5,3
h _p	-	-1,8	-0,06	-2,2	-1,5	-0,9
Наманган-77	66,5±2,1	130,6±5,2	144,6±5,4	127,8±4,2	113,0±2,0	90,7±5,7
h _p	-2,8	-	8,7	0,8	-0,6	-3,0
Кўпайсин	103,7±15,0	116,1±3,1	127,0±4,3	104,5±4,9	128,0±0,5	127,0±2,5
h _p	-0,5	-7,0	-	-0,8	1,1	1
ЎзФА-705	93,4±5,8	120,2±7,6	137,7±6,7	102,0±2,9	99,5±5,1	128,0±1,1
h _p	-2,4	0,2	1,8	-	-1,6	3,4
ЎзФА-713	114,1±3,2	134,3±8,0	113±11,2	109,1±5,8	109,3±2,9	123,1±2,5
h _p	1,7	1,3	-0,5	0,9	-	5,2
75007-11	99,4±3,4	115,5±12,1	109,5±2,7	123,7±5,5	95,1±5,1	113,7±4,7
h _p	-0,7	-0,2	-1,6	2,6	-7,4	-

Эслатма: Суръатда – F₁ ўсимликларида белгининг ўртача кўрсаткичи, см
Махражда – устунлик даражаси кўрсаткичи (h_p)

Ғўзанинг белгилари ҳар хил генетик табиатга эга бўлиб, уларнинг ирсийланиш қонуниятлари турлича. Бош поя баландлиги белгиси бўйича ота-она навларни диаллел чатиштириб олинган 30 та F_1 комбинацияларининг 3 тасида баланд бўйли навнинг тўлиқсиз устунлиги, 6 тасида ижобий ўта устунлик ва 10 тасида салбий ўта устунлик, 11 тасида эса оралик ҳолатда ота ёки она шаклига оғган ҳолда ирсийланганлиги аниқланган (1-жадвал).

Бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони белгиси бўйича диаллел чатиштириб олинган 30 та F_1 комбинацияларининг 6 тасида тўлиқ устунлиги, 7 тасида ижобий ўта устунлик ва 13 тасида салбий ўта устунлик, 4 тасида эса оралик, салбий кўрсаткичли ота ёки она шаклга оғган ҳолатда ирсийланган.

Битта ўсимликдаги кўсаклар сони белгиси бўйича ижобий ўта устунлик даражаси турли генотипли ва кўрсаткичли навлар Наманган-77 х Кўпайсин ($h_p=2,5$), генотипик яқин Кўпайсин х ЎзФА-713 ($h_p=1,7$), кўрсаткичи юқори ва паст ЎзФА-705 х 75007-11 ($h_p=1,9$), ЎзФА-713 х Наманган-77 ($h_p=9,0$) шаклларнинг дурагайларида, оралик ирсийланиш даражаси ўртача ва юқори кўрсаткичли Келажак х Кўпайсин ($h_p=0,6$) ва Кўпайсин х Келажак навлари ($h_p=0,8$), географик узоқ, ўртача ва паст кўрсаткичли Келажак х 75007-11 ($h_p=0,5$) ва 75007-11 х Келажак навлари ($h_p=0,6$), паст ва юқори кўрсаткичли Кўпайсин х Наманган-77 ($h_p=0,3$), юқори кўрсаткичли ЎзФА-705 х Наманган-77 навлари ($h_p=0,6$), ўртача ва паст кўрсаткичли 75007-11 х ЎзФА-713 навлари ($h_p=0,7$) дурагайларида аниқланган.

Ўсув даври давомийлиги белгиси бўйича ота ёки она шаклининг устунлиги турли генотипли ва кўрсаткичли шакллар F_1 ўсимликларида Келажак х ЎзФА-713 ($h_p=1,0$), Келажак х Наманган-77 ($h_p=1,2$), Кўпайсин х 75007-11 ($h_p=1,1$) ва ЎзФА-713 х 75007-11 ($h_p=1,0$) дурагайларида, оралик ирсийланиш эрта ва ўртача кўрсаткичли шакллар F_1 ўсимликларида Келажак х Кўпайсин ($h_p=0,5$), ўртача кўрсаткичли Кўпайсин х ЎзФА-705 ($h_p=0,6$) ва ЎзФА-705 х Кўпайсин ($h_p=0,5$), ижобий ўта устунлик турли генотипли 75007-11 х Кўпайсин ($h_p=12,5$), Кўпайсин х Наманган-77 ($h_p=5,3$), Наманган-77 х Кўпайсин ($h_p=5,2$) шаклларнинг дурагайларида намоён бўлган.

F_1 ўсимликларининг битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси таҳлил қилинганда, 30 та комбинациядан 5 тасида ота ёки она шаклининг устунлиги, 10 тасида эса ота ёки она шаклга оғган ҳолда оралик ирсийланиш даражаси, 15 тасида эса ўта устунлик ирсийланиш даражаси, ижобий ёки салбий гетерозис намоён бўлиши аниқланди. Битта кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси бўйича ота ёки она шаклининг устунлиги ўрта ва паст кўрсаткичли шакллар F_1 ўсимликларида Келажак х Кўпайсин ($h_p=1,0$), Келажак х Наманган-77 ($h_p=1,3$), Наманган-77 х 75007-11 ($h_p=1,2$), ЎзФА-713 х Кўпайсин ($h_p=1,3$) ва 75007-11 х Наманган-77 ($h_p=1,1$) ва ЎзФА-713 х 75007-11 ($h_p=1,0$) дурагайларида кузатилган (2-жадвал).

Ўрганилган F_1 ўсимликларида тола чиқими белгиси бўйича ота ёки она шаклининг устунлиги кўрсаткичлари кескин фарқ қиладиган ва турли генотипли шакллар Келажак х Наманган-77 ($h_p=-1,2$), Наманган-77 х ЎзФА-713 ($h_p=1,2$), Кўпайсин х 75007-11 ($h_p=-1,3$) ва ЎзФА-705 х ЎзФА-713 ($h_p=-1,3$) комбинацияларида кузатилди. Оралик ирсийланиш генотипи яқин шакл-

F₁ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта оғирлигининг кўрсаткичлари

♀ / ♂		Келажак	Наманган-77	Кўпайсин	ЎзФА-705	ЎзФА-713	75007-11
Келажак	X ± Sx	5,6±0,5	5,9±0,6	5,6±0,2	6,0±0,2	5,5±0,4	6,8±0,5
	σ	0,8	0,8	0,4	0,4	0,8	0,9
	hp	-	1,3	1,0	0,5	-5,0	4,0
Наманган-77	X ± Sx	6,1±0,1	5,5±0,4	5,8±0,5	5,6±0,2	5,7±0,5	5,6±0,7
	σ	0,2	0,1	1,0	0,4	0,9	0,8
	hp	2,1	-	2,0	-0,7	1,5	1,2
Кўпайсин	X ± Sx	4,1±0,6	5,8±0,3	5,0±0,6	5,2±0,6	6,3±0,5	5,9±0,6
	σ	0,9	0,6	0,8	0,9	0,7	0,9
	hp	-4,0	2,0	-	0,3	2,6	10,0
ЎзФА-705	X ± Sx	6,2±0,4	5,3±0,5	7,5±0,4	6,3±0,5	6,0±0,8	6,1±0,8
	σ	0,7	0,8	0,8	0,9	1,4	1,7
	hp	0,9	-1,5	2,7	-	0,3	0,8
ЎзФА-713	X ± Sx	5,8±0,8	6,0±0,7	5,4±0,8	6,0±0,4	5,6±0,6	6,1±0,4
	σ	1,5	1,1	1,3	0,7	0,9	0,8
	hp	2,0	4,5	-1,3	0,3	-	2,2
75007-11	X ± Sx	6,0±0,5	5,5±0,4	5,1±0,3	5,2±0,6	6,5±0,5	4,8±0,5
	σ	0,8	0,6	0,7	0,9	0,9	0,1
	hp	2,0	1,0	0,3	0,4	3,2	-


лар Келажак х ЎзФА-713 (hp=0,7), ЎзФА-713 х Келажак (hp=-0,2), географик узоқ шакллар ЎзФА-713 х 75007-11 (hp=-0,6), 75007-11 х Купайсин (hp=0,4), 75007-11 х ЎзФА-705 (hp=0,6) ва 75007-11 х ЎзФА-713 (hp=0,6) дурагайларида, ижобий ўта устунлик ирсийланиш яқин генотипли шакллар Келажак х ЎзФА-705 (hp=3,5), Келажак х ЎзФА-713 (hp=4,5), Кўпайсин х ЎзФА-705 (hp=2,4), ЎзФА-705 х Кўпайсин (hp=2,4) дурагайларида ва салбий ўта устунлик ирсийланиш географик узоқ Келажак х 75007-11 (hp=-2,5), Наманган-77 х 75007-11 (hp=-3,8), Кўпайсин х ЎзФА-713 (hp=-3,2), 75007-11 х Келажак (hp=-1,6), 75007-11 х Наманган-77 (hp=-2,9) шаклларининг дурагай ўсимликларида аниқланган.

F₁ ўсимликларининг тола узунлиги белгиси бўйича диаллел дурагайлаб олинган 30 та F₁ комбинацияларининг 3 тасида ота ёки она шаклининг устунлиги, 6 тасида эса ота ёки она шаклга оған ҳолда оралик ирсийланиш

даражаси, 21 тасида ижобий ёки салбий ўта устунлик ирсийланиш даражаси аниқланган.

Диссертациянинг «Ѓўзанинг F₂ авлодларида морфо-хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами» деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг F₂ авлодларида морфо-хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами таҳлил қилинган. Олинган маълумотлар таҳлили F₂ ўсимликларида бош поя баландлиги белгиси бўйича энг юқори ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик узок ва баланд бўйли Кўпайсин ва Наманган-77 навлари ўзаро ва уларни ўрта бўйли навлар билан чатиштириб олинган дурагайларда кузатилган.

F₂ ўсимликларида кенг ўзгарувчанлик кўлами энг паст ва энг баланд ўсимликлар 50,8 - 121,5 см ни, синфлар сони эса 8-9 тани, ўртача ўзгарувчанлик кўлами 55,9-114,6 см ни, синфлар сони эса 7 тани, қиска ўзгарувчанлик кўлами паст бўйли Келажак ва ўртача бўйли шакллар, генотипик узок шакллар дурагайларида кузатилиб, энг паст ва энг баланд ўсимликлар орасидаги фарқ 55,6-106,4 см ни, синфлар сони эса 5-6 тани ташкил этганлиги кузатилган (1-расм).



1-расм Бош поя баландлигининг ўзгарувчанлик кўлами

Олинган маълумотлар таҳлили, F₂ популяциясининг битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгисининг кенг ўзгарувчанлик кўлами генотипик узок ЎзФА-713 х Келажак дурагайлари популяциясида $\sigma - 10,1$, $\text{minimum-maximum} \pm 4,8-25,0$ дона, фарқ – 20,2 дона ва синфлар сони - 7 та, 75007-11 х Кўпайсин дурагайлари популяциясида $\sigma - 8,7$, $\pm 9,5-26,9$ дона, фарқ – 17,4 дона ва синфлар сони - 6 та, Наманган-77 х Кўпайсин дурагайлари

популяциясида $\bar{x} - 8,1, \pm 8,4-24,6$ дона, фарқ – 16,2 дона ва синфлар сони - 6 тани, ўртача ўзгарувчанлик кўламининг генотипик ва географик узоқ Наманган-77 х ЎзФА-713 дурагайларида $\bar{x} - 7,4 \pm 10,1-24,9$ дона, фарқ - 14,8 дона ва синфлар сони - 5 тани, Келажак х ЎзФА-705 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 7,2, \pm 7,6-22,0$ дона, фарқ – 14,4 дона ва синфлар сони - 5 та эканлиги, қисқа ўзгарувчанлик кўлами генотипик ва географик узоқ Келажак х Наманган-77 дурагайларида $\bar{x} - 5,6, \pm 10,8-22,0$ дона, фарқ - 11,2 дона ва синфлар сони - 4 тани, Келажак х 75007-11 дурагайларида $\bar{x} - 5,9, \pm 10,3-22,1$ дона, фарқ - 11,8 дона ва синфлар сони - 4 та, яқин генотипли ЎзФА-705 х ЎзФА-713 дурагайларида $\bar{x} - 5,8, \pm 11,6-23,2$ дона, фарқ - 11,6 дона ва синфлар сони – 4 тадан иборат бўлиши кузатилган.

Маълумотлар таҳлили, умумий ҳосилдорлик белгиси бўйича кенг ўзгарувчанлик кўлами генотипи узоқ Келажак х Кўпайсин дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 62,7, \text{minimum-maximum} \pm 56,7-182,1$ г, фарқ – 125,4 г ва синфлар сони - 13 та, ЎзФА-713 х 75007-11 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 56,3, \pm 71,3-183,9$ г, фарқ – 112,6 г ва синфлар сони - 12 та, Кўпайсин х Наманган-77 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 45,6, \pm 103,3-196,5$ г, фарқ – 93,2 г ва синфлар сони - 10 тани, ўртача ўзгарувчанлик Наманган-77 х Кўпайсин дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 42,9, \pm 93,5-179,3$ г, фарқ – 85,9 г ва синфлар сони - 9 тани, Наманган-77 х Келажак дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 35,6, \pm 121,6-192,8$ г, фарқ – 71,2 г ва синфлар сони – 8 тани, географик узоқ шакллар Келажак х 75007-11 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 39,5, \pm 109,1-188,1$ г, фарқ – 79,0 г ва синфлар сони - 8 тани, қисқа ўзгарувчанлик кўлами эса паст кўрсаткичли Келажак ва ўртача кўрсаткичли ва географик узоқ 75007-11 нави оналик сифатида қўлланилганда ва нисбатан серҳосил ва генотипи яқин ЎзФА-705, ЎзФА-713 навлари дурагайларида кузатилган.

Олинган маълумотларга кўра, битта кўсакдаги пахтаси вазни белгиси бўйича энг юқори ўзгарувчанлик кўлами Наманган-77 х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,34, \text{minimum-maximum} \pm 8,5-5,7$ г, фарқ - 2,7 г ва синфлар сони - 6 та, ЎзФА-713 х 75007-11 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,2, \pm 7,7-5,2$ г, фарқ – 2,5 г ва синфлар сони - 6 та, Келажак х ЎзФА-713 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,2, \pm 7,1-4,6$ г, фарқ - 2,4 г ва синфлар сони - 6 тани, ўртача ўзгарувчанлик кўлами 75007-11 х Келажак дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,15, \pm 8,08-5,78$ г, фарқ - 2,3 г ва синфлар сони - 5 та, Келажак х Наманган-77 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,1, \pm 6,8-4,6$ г, фарқ - 2,2 г ва синфлар сони - 5 тани, 75007-11 х Наманган-77 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,1, \pm 7,9-5,6$ г, фарқ - 2,2 г ва синфлар сони - 5 тани, қисқа ўзгарувчанлик кўлами Наманган-77 х Кўпайсин дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 0,9, \pm 5,6 - 7,9$ г, фарқ - 1,7 г ва синфлар сони - 4 тани, Наманган-77 х Келажак дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 0,9, \pm 4,4 - 6,4$ г, фарқ - 1,9 г ва синфлар сони - 4 тани, Кўпайсин х ЎзФА-705 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 0,9, \pm 5,4-7,3$ г, фарқ – 1,8 г ва синфлар сони - 4 та, Кўпайсин х 75007-11 дурагайлари популяциясида $\bar{x} - 1,0, \pm 4,9-7,2$ г, фарқ – 2,0 г ва синфлар сони - 4 тани ташкил этиши аниқланган.

30 та F₂ комбинацияларининг 7 таси тола чиқими белгиси бўйича кенг ўзгарувчанлик кўламига эга бўлиб, улар асосан генотипик ва географик узоқ шакллар дурагайларида эканлиги кузатилган. Дурагайларнинг энг паст ва энг юқори кўрсаткичи 36,2-47,9 % ни, улар орасидаги фарқ – 8,2 – 10,4 % ва синфлар сони 9 - 11 тадан иборат эканлиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

F₂ ўсимликларида тола чиқимининг ўзгарувчанлиги кўлами

♀ i-1.0%		Келажак	Наманган-77	Кўпай-син	ЎзФА-705	ЎзФА-713	75007-11
Келажак	X ± Sx	38,1	44,2	43,2	41,6	42,6	43,1
	σ	1,7	2,8	2,9	3,2	4,3	4,2
Minimum-maxsimum		36,4-39,8	41,4-47,0	40,3-46,3	38,4-44,8	38,3-46,9	38,9-47,3
Фарқ. %		3,4	5,6	6,0	6,4	8,6	8,4
Синфлар сони, i=1.0 %		3	6	6	7	9	9
Наманган-77	X ± Sx	43,9	39,7	42,0	41,9	40,8	39,5
	σ	3,4	1,4	2,5	4,7	3,8	3,7
Minimum-maxsimum		40,5-47,3	38,3-41,1	39,5-44,5	37,2-46,6	37,0-44,6	35,8-43,2
Фарқ. %		6,8	2,8	5,0	9,4	7,6	7,4
Синфлар сони, i=1.0 %		7	3	5	10	8	8
Кўпайсин	X ± Sx	41,6	40,5	39,2	42,2	40,7	41,1
	σ	3,1	3,6	1,1	4,2	3,5	3,3
Minimum-maxsimum		38,5-44,7	36,9-44,1	38,1-40,3	38,0-44,4	37,2-44,2	37,8-44,4
Фарқ. %		6,2	7,2	2,2	6,4	7,0	6,6
Синфлар сони, i=1.0 %		7	8	3	7	7	7
ЎзФА-705	X ± Sx	40,8	43,0	42,2	38,3	41,8	41,5
	σ	2,9	3,7	3,2	1,5	2,8	4,3
Minimum-maxsimum		37,9-43,7	39,3-46,7	39,0-44,4	36,8-39,8	39,0-44,6	37,2-45,8
Фарқ. %		5,8	7,4	5,4	3	5,6	8,6
Синфлар сони, i=1.0 %		6	8	6	3	6	9
ЎзФА-713	X ± Sx	42,2	40,2	40,3	40,0	37,4	40,5
	σ	3,8	3,6	4,1	2,8	1,5	3,9
Minimum-maxsimum		38,4-46,0	36,6-43,8	36,2-44,4	36,2-42,8	35,9-38,9	36,6-44,4
Фарқ. %		6,6	7,2	8,2	6,6	3	7,5
Синфлар сони, i=1.0 %		7	8	9	7	3	8
75007-11	X ± Sx	42,1	39,4	42,7	41,9	38,5	40,0
	σ	3,7	3,4	5,2	4,2	3,8	1,3
Minimum-maxsimum		38,4-45,8	36,0-42,8	37,5-47,9	37,7-46,1	34,7-42,3	38,7-41,3
Фарқ. %		7,4	6,8	10,4	8,4	7,6	2,6
Синфлар сони, i=1.0 %		8	7	11	9	8	3

Ўрганилган F_2 ўсимликларининг тола узунлиги бўйича кенг ўзгарувчанлик кўлами 30 та комбинациядан 14 тасида генотипик ва географик узок шакллар дурагайларида паст ва юқори кўрсаткичли ўсимликлар 31,5-36,4 мм ни, улар орасидаги фарқ $-4,9$ мм, ва синфлар сони 9 - 10 тани, ўртача ўзгарувчанлик кўлами асосан географик ва генотипик узок, кўрсаткичлари кескин фарқ қиладиган шакллардан олинган 8 тасида паст ва юқори кўрсаткич 32,4-36,2 мм, ни, улар орасидаги фарқ 4,2 мм ни, синфлар сони эса 8 тани, қисқа ўзгарувчанлик кўлами географик, генотипи ва кўрсаткичлари яқин шакллар 8 тасида паст ва юқори кўрсаткич 31,9-35,3 мм ни, улар орасидаги фарқ 3,4 мм ни, синфлар сони эса 7 тани ташкил этган.

Диссертациянинг «**Ўзанинг юқори авлодлари, оилалари ва янги навларининг популяцияси таркибини морфоҳўжалик белгилари бўйича таҳлилий ўрганиш**» деб номланган бешинчи бобида дурагайларнинг юқори авлодлари, оилалари ва янги линияларнинг морфо-ҳўжалик белгилари кўрсаткичларининг таҳлили келтирилган.

F_3 ўсимликларининг битта кўсақдаги пахтаси вазни бўйича юқори кўрсаткич Кўпайсин х Келажак (7,1 г), Келажак х Кўпайсин (6,8 г), дурагайларида, ўртача кўрсаткич Келажак х ЎзФА-705 (6,4 г), ЎзФА-705 х Келажак (6,3 г), ЎзФА-713 х Наманган-77 (6,3 г), Наманган-77 х Келажак (6,2 г), 75007-11 х ЎзФА-705 (6,2 г), ЎзФА-705 х 75007-11 (6,1 г), ЎзФА-713 х ЎзФА-705 (6,1 г), ЎзФА-713 х Келажак (6,1 г) ва Наманган-77 х ЎзФА-713 (6,0 г) дурагайларида, паст кўрсаткич Келажак х Наманган-77 (5,1 г), ЎзФА-705 х ЎзФА-713 (5,3 г), Келажак х ЎзФА-713 (5,6 г), ЎзФА-705 х Наманган-77 (5,6 г), Кўпайсин х ЎзФА-705 (5,9 г), Наманган-77 х ЎзФА-705 (5,9 г) дурагайларида кузатилган.

Умумий ҳосилдорлик белгиси бўйича юқори кўрсаткич Наманган-77 х Келажак (157,4 г), Келажак х ЎзФА-713 (146,6 г), Келажак х ЎзФА-705 (131,6 г), Келажак х Кўпайсин (129,6 г) ва ЎзФА-713 х ЎзФА-705 (125,1 г) навлари иштирокида олинган дурагайларда қайд этилган.

F_3 ўсимликларининг тола чиқими белгиси бўйича юқори кўрсаткич Наманган-77 х Келажак (42,9%), ЎзФА-705 х Наманган-77 (40,3 %), ЎзФА-705 х Кўпайсин (40,1 %) дурагайларида, ўртача кўрсаткич Келажак х Наманган-77 (39,8 %), Наманган-77 х ЎзФА-713 (39,2 %), ЎзФА-705 х Келажак (39,2 %), Келажак х Кўпайсин (38,9 %), ЎзФА-713 х ЎзФА-705 (38,4 %) дурагайларида, нисбатан паст кўрсаткичлар географик ва генотипик яқин шакллар дурагайлари популяцияларида кузатилган.

F_3 ўсимликларининг тола узунлиги белгиси бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлиliga кўра, юқори кўрсаткич Наманган-77 х Келажак (34,7 мм), Кўпайсин х Келажак (34,7 мм), 75007-11 х ЎзФА-705 (34,2 мм), ЎзФА-705 х Кўпайсин (34,3 мм) дурагайларида кузатилган.

G.hirsutum L. турининг турлича генеологияли шакллари дурагайларидан танлаб олинган линиялар андоза ва бир-биридан морфо-ҳўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича фарқ қилди (4-жадвал).

Л-481, Л-469 ва Л-464 линиялари бошқа ўрганилган линиялар ва андоза навлардан пишиб етилиш даврининг қисқалиги билан, Л-464, Л-472 ва Л-481

линиялари тола чиқимининг юқорилиги билан, Л-424, Л-473, Л-517 ҳамда Л-465 линиялари толасининг узунлиги билан, Л-424, Л-464, Л-465, ва Л-432 линиялари умумий ҳосилдорлигининг юқорилиги билан фарқ қилишини кўрсатган.

4-жадвал

Вўзанинг янги линияларининг хўжалик аҳамиятига эга белгилари кўрсаткичлари

Т/р	Линия-лар	Линияларнинг келиб чиқиши	Всув даври, кун	1та кўсак вазни, г	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм	Умумий ҳосил, г
1	St.	Наманган-77	121,4	5,5	39,4	33,6	104,3
2	Л-421	ВзФА-705 х Кўпайсин	118,3	5,7	37,5	34,7	128,6
3	Л-424	ВзФА-705 х ВзФА-713	121,7	5,7	38,1	35,2	143,0
4	Л-432	75007-11 х ВзФА-713	119,4	5,6	39,4	34,7	141,4
5	Л-464	Наманган -77 х Келажак	117,8	5,7	40,1	34,8	143,0
6	Л-465	-	118,7	5,6	39,7	34,9	142,3
7	Л-469	Келажак х Кўпайсин	116,5	4,8	38,4	34,8	120,2
8	Л-472	Наманган -77 х ВзФА-705	119,8	5,1	40,8	34,5	128,2
9	Л-473	Наманган -77 х ВзФА-705	118,6	4,9	37,0	35,3	124,4
10	Л-481	ВзФА-705 х 75007-11	114,7	4,8	40,0	34,2	121,0
11	Л-516	ВзФА-705 х ВзФА-713	122,9	5,0	38,0	33,4	125,0
12	Л-517	ВзФА-705 х ВзФА-713	121,4	5,1	37,1	35,3	128,2

Олинган янги линиялар лабораториянинг станцион нав синаш даласида синалган, нав даражасига етказиш учун морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари Oz St 1110:2006, пахта толасининг технологик кўрсаткичлари O'z DSt 604 : 2001 ва уруғнинг экиш хусусиятлари O'z DSt 663: 2006 талабларига мувофиқ селекция уруғчилик ишлари олиб борилган.

Вўзанинг ВзФА-713 нави қимматли хўжалик белгилари бўйича шакллантирилган ва муҳим генотипик ва фенотипик ҳолга келтирилган. ВзФА-713 нави морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича Oz DSt 1110:2006, пахта толасининг технологик кўрсаткичлари O'z DSt 604 : 2001 ва уруғининг хусусиятлари O'z DSt 663: 2006 талабларига тўлиқ мос келган.

Хўжалик белгиларнинг кўрсаткичлари: экишдан гуллагунча бўлган давр - 62,2 кун, экишдан пишгунча бўлган давр – 119,3 кун, биринчи ҳосил шоҳи баландлиги (hs) - 5,5, ўсимлик бўйи-120,6 см, бир ўсимликдаги ҳосил шоҳлар сони - 15,6 дона, бир ўсимликдаги кўсақлар сони - 16,6 дона, бир кўсак пахтаси вазни - 5,6 г, тола чиқими - 38,5 %, тола узунлиги - 34,4 мм,

микронеър - 3,9-4,2, узулиш кучи - 30,6-31,8 г/текс, толанинг юқори ўртача узунлиги - 1,18-1,21 дюйм, толасининг саноат типи –IV.

ХУЛОСАЛАР

“*G.hirsutum* L. турининг турли генотипли шакллари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қонуниятлари” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ёўзанинг яқин генотипли шаклларида ўзаро чатишувчанлик қобилияти юқори, генотипик ва географик узоқ шаклларидаги чатишувчанлик қобилияти ўртача ёки паст даражада бўлди.

2. F_1 ўсимликларининг бош пояси баландлиги, ҳосил шохлари ва кўсақлар сони белгилари ота-она шаклларида боғлиқ ҳолда ирсийланишнинг барча ҳолатлари кузатилди, ижобий кўрсаткич юқори ва ўртача кўрсаткичли ота ёки она шакллари дурагайларида, паст кўрсаткичли дурагайлар эса асосан ота ёки она шакли кўрсаткичи паст бўлган барча дурагайларда намоён бўлди.

3. F_1 дурагайларида битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва тола узунлиги белгилари бўйича ота ёки она шаклининг устунлиги ва оралик ирсийланиш даражаси ҳар хил генотипли ва юқори ва ўртача кўрсаткичли шаклларидаги ўзаро дурагайларида, ижобий ўта устунлик ирсийланиш даражаси, яъни ижобий гетерозис ўртача ва юқори кўрсаткичли шаклларидаги дурагайларида намоён бўлди.

4. F_2 ўсимликларида битта ўсимликдаги кўсақлар сони ва умумий ҳосилдорлик белгиларининг ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик узоқ шакллар ўзаро ва уларни ўртача бўйли навлар билан чатиштириб олинган дурагайларида, F_2 ўсимликларининг битта кўсақдаги пахтаси вазни белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич ва ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик узоқ ва белги кўрсаткичи кескин фарқ қилган шакллар ўзаро чатиштириб олинган дурагайларда кузатилди.

6. F_2 ўсимликларидан тола чиқими ва узунлиги белгилари бўйича кенг ва ўртача ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипик ва географик узоқ шакллар дурагайларида кузатилди, қисқа ўзгарувчанлик кўлами эса географик ва генотипик яқин шакллар ўзаро чатиштириб олинган дурагайларда учради.

7. F_3 ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича энг паст ўзгарувчанлик кўлами асосан генотипи ва белги кўрсаткичи яқин шакллар ўзаро чатиштирилганда кузатилиб, бу белги бўйича ўртача ва паст кўрсаткичли ўсимликлар эса ҳар хил генотипли ва географик узоқ шакллар иштирокида олинган дурагайларда намоён бўлди. Умумий ҳосилдорлик, тола узунлиги белгилари бўйича энг қисқа ўзгарувчанлик кўлами генотипик ва географик узоқ шакллар чатиштириб олинган дурагайларда, ўртача ўзгарувчанлик кўлами генотипик узоқ, кенг ўзгарувчанлик кўлами эса генотипик яқин ва географик узоқ шакллар чатиштириб олинган дурагайларда кузатилди.

8. Ғўзанинг янги ЎзФА-713 навининг популяцион таркиби нав даражасига етган, морфо-хўжалик белгилари бўйича Давлат андозаларига мос эканлиги исботланди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ғўзанинг янги навларининг бошланғич ашёсини олиш учун ҳар хил генотибли шакллари дурагайлаш лозим.

2. F_2 ўсимликларида битта ўсимликдаги кўсақлар сони, умумий ҳосилдорлик, битта кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги белгилари юқори кўрсаткичли биотиплар асосан генотипик узок, кўрсаткичлари юқори шаклларни ўзаро ва ўртача кўрсаткичли шакллар билан чатиштириб олинган дурагайларидан селекция ишларида фойдаланиш лозим.

3. Ғўзанинг янги пишиб етилиш даврининг қисқа Л-481, Л-469 ва Л-464 линияларини тезпишар Л-421, Л-424 ва Л-464 линияларини юқори тола чиқимли, Л-424, Л-473, Л-517 ҳамда Л-465 линияларини тола узунлиги, Л-424, Л-464, Л-465, ва Л-432 линияларини серҳосил навларни яратилишида донор сифатида илмий амалий тажриба ишларида фойдаланиш мумкин.

4. Ғўзанинг янги ЎзФА-713 навининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари юқори ва наводорлиги Давлат андозаларига мослигини инобатга олиб, уруғлик кўпайтириш ишларини олиб боришни ва ишлаб чиқаришга жорий этиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.29.08.2017.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ
РАСТЕНИЙ**

КОДИРОВА МОХИДИЛХОН РУСТАМОВНА

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ НАСЛЕДОВАНИЯ И ИЗМЕНЧИВОСТИ
МОРФО-ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРИЗНАКОВ У ГИБРИДОВ ФОРМ
РАЗЛИЧНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ ВИДА *G.HIRSUTUM L***

03.00.09 – Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/B32.

Диссертационная работа выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Каххаров Иззатулла Тилавович

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Паридун Шукурович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Аманов Бахтияр Хушбакович

доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.53.01 при Институте Генетики и экспериментальной биологии растений и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-юз, актовый зал Института Генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс: (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за №___). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2019 года)

А.А.Нариманов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.х.н.,
профессор

С.К.Бабоев

ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

М.Ф.Абзалов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире улучшения качества волокна хлопчатника вида *G.hirsutum L.*, на долю которого приходится 95% всех посевных площадей, занятых этой культурой, является одной из важнейших задач селекционных программ государств, занимающихся хлопководством. На сегодняшний день в хлопкосеющих странах мира особое внимание уделяется созданию урожайных, с высоким выходом волокна, устойчивых к болезням и вредителям, неблагоприятным факторам среды сортов хлопчатника, отвечающих современным требованиям производства и повышению их чистосортности имеет важное научно-практическое значение.

В последнее время в мире проводятся научные исследования по созданию сортов хлопчатника, полностью отвечающим требованиям промышленности, развивающейся ускоренными темпами отрасли. Определение закономерностей наследования и изменчивости хозяйственно-ценных признаков хлопчатника, проявления гетерозиса, а также определение его сохранения в гибридных популяциях при внутривидовой, генотипически отдаленной гибридизации хлопчатника имеет важное значение при непрерывном создании эффективных, с высоким наследственным потенциалом сортов, имеющих преимущества по комплексным признакам перед стандартными сортами.

В республике в последние годы достигнуты определенные успехи в области развития сельского хозяйства и интенсификации аграрного производства. В частности, созданы и внедрены в производство высокоурожайные и скороспелые сорта хлопчатника, отвечающие требованиям современного рынка. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены задачи по «созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим условиям»¹. Исходя из этих задач, создание новых сортов, обладающих уникальными признаками и свойствами, скороспелых, с высоким выходом и качеством волокна, высокоурожайных, устойчивых к болезням и насекомым вредителям сортов, соответствующих отраслевым требованиям республики, определении наследования и изменчивости морфо-хозяйственных признаков у гибридных популяций, выделение растений с обогащенными генотипами при гибридизации генотипически различных форм хлопчатника вида *G. hirsutum L.* приобретает важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-№ 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 декабря 2018 года № 1037 «О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г

прогнозируемых объемах размещения по сортам и производству хлопко-сырца в 2019 году» Указ Президента республики Узбекистан УП-№-5742-сон от 17 июня 2019 года -5742-сон “О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

